

## ШАРТНОМА № 2

Риштон шаҳри.

“ 24 ” январ 2022 йил

Бизлар ким имзо чекиб шартнома тузувчилар келгусида «Сотувчи» деб аталувчи «РОШИДОН БАРАКА САВДО» корхонаси раҳбари М.Валиев бир томондан ва келгусида «Сотиб олувчи» деб аталувчи «Риштон туман Мактабгача Таълим Бўлими» уз Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар М.Дадажонов ушбу шартномани имзолаш билан куйидагилар келишилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Сотувчи” ушбу шартномага асосан “Сотиб олувчига” ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги озиқ-овқат махсулотларини етказиб беради, “Сотиб олувчи” етказиб берилган озиқ-овқат махсулотларни қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириб, харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда амалга оширади.

№	Махсулот номи	ул.бир	миқдор	нархи	суммаси
1	1-нав бугдой уни	кг	2764,0	3400,0	9 397 600
2	Макарон	кг	809,0	7000,0	5 663 000
3	Шакар	кг	2531,0	9000,0	22 779 000
4	Мевали павидло <i>1 донаси - 1 кг</i>	дона	67,0	12000,0	804 000
5	Сариёғ 82,5%	кг	779,0	32000,0	24 928 000
6	Ўсимлик (пахта) ёғи	кг	948,0	16000,0	15 168 000
7	Сут 2,5%	литр	7915,0	4000,0	31 660 000
8	Товуқ гўшти	кг	512,0	22500,0	11 520 000
9	Товуқ тухуми	дона	47830,0	1100,0	52 613 000
10	Томат паста <i>1-донаси 1-кг</i>	дона	179,0	14 000,0	2 506 000
11	Кук чой	кг	78,0	25 000,0	1 950 000
12	Ош тузи	кг	550,0	2 000,0	1 100 000
	<b>Жами:</b>	<b>X</b>		<b>X</b>	<b>180 088 600</b>

## II. ШАРТНОМА БАҲОСИ, МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати бир юз саксон миллион саксон саккиз минг олти юз сўми ташкил этади. *КСС - 23 489 817.39 сўми ташкил этади.*

2.2 “Сотувчи” томонидан озиқ-овқат махсулотлари “Сотиб олувчи”нинг талабига кўра босқичма-босқич етказиб берилади.

2.3 “Сотиб олувчи”га озиқ-овқат махсулотлари “Сотувчи”нинг транспортида 30 (уттиз) кун муддат ичида етказиб берилади.

2.4 “Сотувчи” тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда озиқ-овқат махсулотларини етказиб беради.

2.5 “Сотиб олувчи” «Сотувчи» тақдим этган ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда “Сотувчи” ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.6 Махсулот етказиб бериш даврида махсулотларнинг нархлари ўзгарган тақдирда “Сотувчи” ёки “Сотиб олувчи” ташаббуси билан мазкур шартномага қўшимча келишув шартномаси тузилиши мумкин.

2.8 “Сотиб олувчи” “Сотувчи”га олинган товарининг 30 (ўттиз) фоз ҳақини олдиндан ўтказиб беради, товарнинг қолган суммасини 30 банк иш кунни мобайнида кечиктирмай тўлиқ тўловини таъминлайди.

## III. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2 “Сотиб олувчи” томонидан талабномани озиқ-овқат махсулотларининг тегишли туркумланини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 3 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Талабномани чопар орқали қабул қилишда “Сотувчи”нинг ходими “Сотиб олувчи”да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

3.3. “Сотиб олувчи” илгари берилган талабномани бекор қилишга ёхуд озиқ-овқат махсулотларининг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Сотувчи”ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.



3.4. "Сотиб олувчи" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.5. "Сотиб олувчи" "Сотувчи" томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз маҳсулотлар етказиб берилган ҳолатларда шартномани "Сотувчи" ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиши мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

#### **IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **"Сотувчи"нинг мажбуриятлари:**

4.1 "Сотувчи" етказиб бериладиган маҳсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди. Акс ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари "Сотиб олувчи" томонидан қабул қилинмайди.

4.2 "Сотиб олувчи"га озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш вақтида тегишли сифат сертификат ёки таҳлил (текшириш) баёни нусхасини тақдим этади.

4.3 Озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни "Сотиб олувчи" талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

4.4 "Сотиб олувчи" томонидан сотиб олинган маҳсулотларига 3 ой муддат утгандан сунг нарх-наво ва сифатига булган даъво «Сотувчи» томонидан қабул қилинмайди.

##### **"Сотиб олувчи"нинг мажбуриятлари:**

4.5 Ўз талабномаси бўйича етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

4.6. Озиқ-овқат маҳсулотларини мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш.

4.7. Шартномани амал қилиш даврида "Сотувчи" томонидан давлат манфаатларига зарар етказиш ҳолатлари аниқланган тақдирда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

#### **V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари утиб кетган маҳсулотларни етказиб берилган ҳолда «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан бундай маҳсулотларни умумий кийматидан 20%, жарима қуллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Сотувчи» муддати утган ҳар бир кун учун кечиктирилган маҳсулот кийматининг 0,5% миқдорда лекин кечиктирилган маҳсулот кийматининг 50% дан ошмаган ҳолда «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди.

5.3. Агар «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан олинган маҳсулот пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% миқдорда, лекин кечиктирилган туловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Жарималар туланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чикқан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### **VII. ФОРС-МАЖОР**

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимираши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

#### **VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

8.1. Мазкур шартнома "Сотиб олувчи", "Сотувчи" томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради ва 2022 йил "24" январдан 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8.3. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бўлимидан руйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга киради.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## АЛОХИДА ШАРТЛАР

### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

«Сотувчи»

**«Рошидон Барака Савдо» корхонаси**  
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Риштон шаҳар Темиров кўчаси  
Тел./факс: 45-21-749  
х/в: 20210000702925925001  
Банк номи: ТИФ Миллий банк Риштон бўлими  
МФО: 00946 СТИР: 202383349  
ОКОНХ : 81100

«Сотиб олувчи»

**Риштон туман мактабгача таълим бўлими**  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Риштон шаҳар Бахтиёр кўчаси 12 уй  
Тел./факс 73-452-11-81  
ш/хр: 100022860302247091100251035  
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 305154421  
ОКОНХ: 85100  
Узб.Респ.Моллия Вазирлиги Ғазначилиги Ягона Ғазна  
Ҳисоб варағи  
Ғазна х/р 23402000300100001010  
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш. Бош  
бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази  
МФО 00014  
Ғазначилик бўлини мас. ТИР 201122919

Раҳбар: \_\_\_\_\_ М.Ғажақонова.  
(таълим)

Раҳбар:  
(таълим)

М.Валиев  
(Ф.И.Ш.)



Хукукшунос:





**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

№ JL7388240450

1. Loyiyaning turi: ShARTNOMA № 2
2. Loyiyaning nomi: oziq-ovqat mahsulotlari etkazib berish

Umumiy summasi 180 088 600 (bir yuz sakson million sakson sakkiz ming olti yuz) so'm bo'lgan oziq-ovqat mahsuloti etkazib berish bo'yicha "Roshidon baraka savdo" korxonasi rahbari M.Valiyev va Rishton tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi rahbari M.Dadajonovalar o'rtalarida tuzilgan shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi "Roshidon baraka savdo" korxonasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun Rishton tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 24.01.2022 yilda kiritilgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

**XULOSA:**

Loyiha O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi qonuni, hamda O'zbekiston Respublikasi Budjet kodeksining 122-moddasi 8-bandi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



B.I.Bo'riyev